



Шохида ИСТАМОВА
Бухоро давлат университети
бошланғич ва мактабгача таълим услуги
кафедраси катта ўқитувчиси

АҲМАД ДОНИШНИНГ “НАВОДИРУЛ ВАҚОЕ” АСАРИДАГИ ТУШЛАР БАЁНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Халқнинг тушга ишончини ҳисобга олиб, барча даврларда ижодкорлар туш ҳодисасидан бадий асарнинг эстетик таъсирчанлигини оширишда фойдаланиб келишган. Бу борада халқ ижоди, мумтоз адабиётда тўпланган тажрибалар замонавий адабиётнинг тараққиёти учун ҳам замин вазифасини ўтаётди. Шу анъана тараққиётига хос хусусиятларни ўрганиш эса жаҳон адабиётшунослиги олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Ушбу мақолада маърифатпарвар Аҳмад Донишнинг “Наводирул вақое” асаридаги тушлар баёни билан боғлиқ қараишлари ҳусусида фикр юритилмоқда.

Таянч тушунчалар: туш, таъбир, таъбирнома, туш мотиви, савр бурчаги, Зухал, мемуар асар, хотира, ислом дини, мумтоз адабиёт, бадий ифода.

Учитывая доверие народа ко снам, во всех времен творцы использовали сон в повышение эстетического воздействия в художественных произведениях. В данной статье размышляется взгляды Ахмада Дониша связанные сном в его произведение «Наводирул вакое».

Опорные понятия: сон, истолкование, сонник, мотив сна, уголок савра, Сатурн, мемуар, память, ислам, классическая литература, художественное выражение.

Given the trust of people to dreams, in all times the creators used sleep to increase the aesthetic impact in the works of art. This article reflects the views of Ahmad Donish related sleep in his work "Navodirulvakoe".

Supporting concepts: dream, interpretation, dream book, sleep motive, corner of the monastery, Saturn, memoir, memory, Islam, classical literature, artistic expression.

Халқ оғзаки ижодининг эпик жанрларида, мумтоз ва замонавий адабиётда яратилган шеърӣ, насрий ва драматик асарларда туш мотивидан фойдаланиб, асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини очиб бериш, кайфиятини, ички кечинмаларини ёритиш, психологик таҳлил қилиш ёки асар воқеаларини ўзаро боғлаб, унинг шаклан ва мазмунан яхлит бир бутунлигини таъминлаш ўзига хос анъана тусини олганлиги алоҳида эътиборни тортади. Ҳар бир ижодкор ундан турли мақсадда, ўзига хос йўналишда ва усулда фойдаланиб келгани кузатилади.

Тушга ишонч аждодларимизнинг энг қадимий анъаналаридан биридир. Халқимизнинг қадимий ишонч-этиқоди, ақл-заковати асосида узоқ асрлар давомида яратилиб, авлоддан-авлодга етказиб келинган туш таъбирларини ўрганиш ҳамда туш мотивларидан бадий асарларда руҳий таҳлил усули ҳамда бадий шакл воситаси сифатида фойдаланишга хос поэтик хусусиятларни махсус тадқиқ қилиш адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, маънавиятимиз сарчашмаларидан бири бўлмиш туш таъбирларига нисбатан илмий қизиқиш янада ортиди ва бир неча мумтоз туш таъбирномалари чоп этирилди. Уларнинг чоп этирилиши эса тушга оид қараишларнинг адабий асарлардаги бадий талқинига хос хусусиятларни ўрганишга янада кенг имкониятлар яратди.

Халқимизнинг тарихи, дунёқараши, маиший турмуши, этнографияси, миллий руҳияти, оғзаки ва ёзма адабиёт анъаналари билан боғлиқ бўлган туш мотивларини ўрганиш орқали ҳозирги давр бадий адабиётининг ривожланишида ҳалигача фольклорнинг етакчи манбалардан бири бўлаётганлигини кузатиш имконини беради.

Маълумки, Аҳмад Дониш ўз даврининг илғор кишиларидан бири бўлган. Унинг инсонпарварлик ва маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган “Наводир ул-вақое” асари жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётида муҳим ўринга эга. Ушбу асар мазмунан кенг қамровли бўлиб, унда мутафаккир-

нинг турли масалалар тўғрисидаги фикрлари баён этилган. Жумладан, унда муаллифнинг бир неча тушлари ҳам келтирилганки, уларга олимнинг муносабатини ўрганиш орқали туш мотивининг хотира ва мемуар асарларда тутган ўрнини ва бадий вазифаларини англаш мумкин.

Бинобарин, ўзбек адабиётида Алишер Навоий, Бобур, Фуркат, Аҳмад Донишларнинг ўз асарларида кўрган тушлари ҳақида ёзганлари алоҳида эътиборни тортади.

Маърифатпарвар олим Аҳмад Донишнинг тушлар баёни ҳақидаги қарашлари алоҳида диққатга сазовордир. Унинг “Наводирул вақое” асари 23 бобдан иборат бўлиб, китобнинг алоҳида бир боби тушларнинг баёнига бағишланган [2, 305-313]. Бу бобда муаллиф ўзи кўрган саккизта тушнинг мазмунини баён этиб, унинг рамзий маъноларини очиб беришга уринган.

Адиб тушларини баён этар экан, аввало, уларни қайси пайтда, қай ҳолатда кўрганлигини аниқ айтади. Чунки тушларни таъбир қилишда улар қайси пайтда ва қандай руҳий ҳолатда кўрилганлиги, албатта, инобатга олинади. Негаки, туш инсоннинг кундузги ўй-кечинмалари, руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатлари таъсирида юз бериши илмий асосланган. Шунинг учун Аҳмад Дониш тушлар баёни ҳақида гап бошлашдан олдин: “Ёмон йўлда бузукчилик қилиб юрган кишилар кўрқинчли туш кўрсалар, ундай туш кўпинча тўғри чиқади. Чунки ундай туш одамни бузук йўлдан қайтариш учун кўрсатилган бўлади. Агар ундай одам ёмон йўлдан қайтмаса, тушининг натижасини кўради”, – деб ёзади [2, 305].

Аҳмад Дониш кўрган яхши-ёмон тушларига доимий эътибор берган ва уларни ёзиб борган. У халқнинг тушга эътибор беришини, унга қизиқишини алоҳида таъкидлайди: “Кўрган тушларим афсонага ўхшаб кетса ҳам, бундай афсоналарни баъзи бировлар яхши кўрадилар. Шунинг учун уларни ёзишни лозим топдим”, – дейди олим [2, 305].

Асарда келтирилган тушлар ичида муаллифнинг 12-зулҳижжа душанба куни ярим кечадан ўтгач, соат тўртларда кўрган туши рамзий мазмундорлиги билан алоҳида эътиборни тортади. Унда айтилишича, адиб тушида осмонда ёруғ чараклаб турган юлдузларни кўради. Шунда зуҳал юлдузи бирдан ўз жойидан кўзғалиб, ерга томон туша бошлайди. Унинг куралик ҳайъати ўзгариб, ҳўкиз бошига ўхшаб қолади. У шуъла бериб ялтирайди. Зуҳал ерга тушгач, икки ҳўкиз калласи кўриниб, бир-бирларига кўз олайтириб, бир-бирлари билан сузиша бошлайди.

Адиб тонгга яқин кўрган тушидан чўчиб уйғониб кетади. Таҳорат қилиб, икки ракат намоз ўқигач, ўз тушининг таъбирини ахтариб Қуръон очади. Қуръондаги оятлар орқали у тушининг таъбирини билишга уринади. У очган оятда “Менинг қудратимни ер-қўқда ва олди-орқаларида кўра туриб, яна менга қаршилиқ қиладилар. Агар хоҳласам, уларни Қорун каби ерга юттираман ёки осмондан азоб тошлари ёғдириб, чакмоқ ўти билан ҳалок қиламан” дейилган бўлади. Бу оят мазмунидан келиб чиқиб, адиб тушининг таъбирини шундай белгилайди: дунёда катта инкилоблар бўлади; эски давлат хонадонлари ўзгаради; янги давлат ва янги миллатлар пайдо бўлади. Чунки зуҳал юлдузи ҳароб этувчидир. Катта давлатлар ва эски ҳукуматларни шунга нисбат берадилар.

Зуҳал бошли ҳўкиз суратига кириб иккинчи ҳўкиз боши билан уришади. Бу эса савр бурчагига нисбат берилган ерларнинг ҳароб бўлишини билдиради; бу тўғрида савр ҳам зуҳалга ўхшайди. Саврни зуҳалнинг уйи дейдилар. Демак, бу зуҳалнинг хонавайрон бўлишидан далолат беради. Бу эса ислом динининг заифланиши, мусулмонларнинг зиён кўришларига далилдир. Чунки ислом динининг юлдузи зуҳал юлдузидир.

Аҳмад Донишнинг туш воситасида қилган бу башорати йиллар ўтиб ўз исботини топди. Дарҳақиқат, руслар босқини ва Шўро ҳукмронлиги даврида, у айтгандай, беш иқлим (ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ўлкаси – Ш.И.) бутунлай шўриш ва ғавғоларнинг остида қолди.

Эътиборли томони шундаки, Аҳмад Дониш келтирган тушларнинг аксарияти халқ ва мамлакат тақдири билан боғлиқдир. Бундан аёнлашадики, Аҳмад Дониш кўпинча халқ ва миллат учун қуйиниб юрган. Кечаю кундуз шу ҳақда кўпроқ бош қотирган. Чунки тушда ўнгдаги ҳаёллар, ўй-кечинмалар намоён бўлади.

Аҳмад Донишнинг туш таъбирлари ҳақидаги кўп фикрлари халқнинг туш таъбирлари тўғрисидаги фикрларига мос келади. Масалан, у: “Бир киши тушида кўмир ёки хом гўшт кўрса, уч кун ичида бир ҳафачиликка йўлиқмай қолмайди”, – деб ёзади [2, 305]. Халқона таъбирларда ҳам кўмир, хом гўшт кабилар тушга кирса, ҳафачилик аломати сифатида таъбирланиши маълум.

Аҳмад Дониш тушларида учрайдиган рамзий белгилар ижобий ва салбий маъно касб этади. Жумладан, тушда кўрилган кенг ва текис дала, қиблага қараб ўтириш, тепа устида туриш, юлдузлар, чиройли хотин, биллурдек ялтираган уй кабилар яхшилиқни билдирувчи рамзий аломатлар бўлса;

вайрона, хайбатли қоп-қора девсимон махлук, чуқурликка тушиб кетиш сингарилар ёмонликка йўйилади.

Адиб тушга чиройли хотин кирса, эр киши дунё молига эга бўлади, тушда йиқилиб-туртиниш эса турмушдаги тубанликларни англатади, агар киши тушида шерга ем бўлса ёки шер билан муомала қилса, подшоҳлар эътиборига тушади дея таъбир қилади ва бир куни у тушида шерга ем бўлганлигини айтади ҳамда бу тушнинг таъбиридан таъбирномага қарагач, қаноат ҳосил қилади [2, 310-311]. Чунки таъбирномада шер билан муомалада бўлиш подшоҳларнинг ишига далолат қилиниши айтилган. Дарҳақиқат, Аҳмад Дониш Бухоро амирининг ишонган одамларидан бири сифатида 1856, 1869, 1873-74-йилларда Петербургга юборилган элчилар таркибида бўлган.

Хуллас, Аҳмад Дониш ўз тушларига жуда диққат билан қараган. Улардаги башоратомуз, илоҳий нуқталарга катта эътибор берган. Тушларнинг бевосита инсон руҳий олами билан боғлиқлигини тушуниб, уларнинг мазмун-моҳиятини илғашга уринган. Кўрган бирорта тушини бефарқ қолдирмаган. Шунинг учун ҳам у бутун умри давомида орттирган ҳаётий тажрибаларини бадиий акс эттирган шоҳ асари “Наводирул вақое”да тушларининг баёни ҳақида алоҳида тўхталган.

Аслини олганда, файласуф ижодкор туш воситасида Бухоро амирлигининг оқибат-натижада емирилиши муқаррарлигини, унинг инқирозга юз тутганлигини ўзига хос бадиий йўл билан тушунтиришга уринган. Бунда у мумтоз адабиёт анъаналаридан келиб чиқиб, ўз фикрини таъсирчан қилиб етказишда тушдан бадиий ифода воситаси сифатида ўринли ва самарали фойдалана олган. Шу орқали адиб ўз асарининг ҳам бадииятини, ҳам реаллигини оширишга эришган.

Адабиётлар

1. Асрор Самад, Нажиббек Рустамий. 999 туш таъбири. – Т.: Фан, 2007. – 216 б.
2. Аҳмад Дониш. Тушларнинг баёни ҳақида. Наводирул вақое. (Нодир воқеалар). – Т.: Фан, 1964. – Б. 305-313.
3. Исомухаммад Б. Туш кўриш хосиятлари. – Т.: Истиқлол, 2003. – 64 б.
4. Сайдалиев А., Алимухаммедова Р. Туш кўриш ҳақида. – Т.: Ўзбекистон, 1977. – Б. 20.
5. Эшонкулов Ж.С. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. ДДА. – Т., 2010. – Б. 47.